



Савол:

Киши қандай қилиб Аллоҳнинг буйруқларини татбиқ этувчи ва азобидан қўрқувчи иймони бақувват инсонга айланиши мумкин?

Жавоб:

Бу нарса Аллоҳнинг Китобини кўп тиловат қилиш, унинг маънолари ва ҳукмларини ўрганиш билан, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Суннатларини ўқиб-ўрганиш, шариат тафсилотларини улар орқали билиш ва бунинг тақозосига кўра амал қилиш билан, ақидада ҳам, амалда ҳам, сўзда ҳам шуни лозим тутиш билан, Аллоҳнинг назоратини қалбда ҳис қилиш ва оҳират кунини ҳамда у кунда содир бўлажак ҳисоб-китоб, савоб, жазо ва азоб каби ҳолатларни эсга олиш билан, солиҳ кишилар билан аралашуш ва ёмонлардан узоқ бўлиш билан ҳосил бўлади.

(Илмий Тадқиқотлар ва Фатво бериш Доимий Қўмитаси: 1/360).